

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24



Haqiqat online



haqiqatonline_

Тошкент вилояти – Испания:

АГРАР СОҶАДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР



▼ Халқаро ҳамкорлик

Айни кунларда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Испания Қироллигида бўлиб турибди. Ташрифдан қўзланган асосий мақсад – Испаниянинг илғор агро-технологик тажрибасини ўрганиш, замонавий иссиқхона тизимлари ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи етакчи компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашдан иборат.

Бугунги кунда Испания нафақат Европа, балки жаҳон агросаноат бозорида ҳам етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этилади. Мамлакатда озиқ-овқат саноати, қайта тикланувчи энергия, логистика ва юқори технологияли қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланган. Айниқса, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, аграр соҳага инновацияларни кенг жорий этиш ва рақамли бошқарув тизимларини кўллаш борасидаги тажриба кўплаб давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон билан Испания ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг изчил ривожланиб бораётгани мазкур ташриф аҳамиятини янада оширмоқда. Делегация айни пайтда Испаниянинг Алмерия вилоятида бўлиб, маҳаллий мутасаддилар ҳамда йирик компаниялар вакиллари билан қатор амалий учрашувлар ўтказмоқда.

Маълумки, Алмерия дунёдаги энг йирик иссиқхона худудларидан бири сифатида танилган. Худуддаги иссиқхоналар қарийб 31 минг гектар майдонни эгаллаб, Европа мамлакатларининг катта қисmini сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. “Алмерия модели” номи билан машҳур бўлган мазкур тизим қурғоқчил иқлим шароитида интенсив деҳқончилик, гидропоника ва томчилик сўғортиш технологиялари асосида самарали фаолият юритиши билан аҳамиятлидир.

2

▼ Ислохотлар амалда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ЭЪТИБОР ВА НАТИЖА

Вилоятда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлаш ва давлат хизматлари сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар изчил давом этмоқда. Айниқса, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун яратилаётган имкониятлар негизда давлат сиёсатида инсон манфаати устувор экани яққол намойён бўлмоқда.



Шу мақсадда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёровнинг вилоятга ташрифи доирасида худудларда ижтимоий хизматлар ҳолати чуқур ўрганилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, янги лойиҳаларни жорий қилиш ҳамда хизматлар сифатини янада яхшилаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Ташриф Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-сонли мактаб-интернатдан бошланди. Бу ерда алоҳида таълим эҳтиёжига эга 159 нафар бола таҳсил олмоқда. Мутахассислар томонидан замонавий таълим муҳитини яратиш, инклюзив ресурсларни таъминлаш этиш ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

2

▼ Бунёдкорлик

Бекобод туманида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Янги Бекобод” марказий майдони ҳамда Хотира хиёбони мажмуаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуа нафақат аҳоли учун замонавий дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш маскани, балки халқимизнинг бой тарихи, миллий қадриятлари, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини ўзида мужжасам этган муқаддас қадамжого айланди.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари, вилоят ҳоқимлиги масъуллари, “Нуроний” жамғармаси вакиллари, туман ҳоқимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ёшлар, Афғон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида ўтганлар хотираси ёдга олиниб, юртимиз тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган нуронийлар, меҳнат фахрийлари ҳамда ёши улғайган инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

ЯНГИ майдон – қиёфа, тараққиёт



Иштирокчилар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида, шунингдек, мустақиллик даврида юрт озодлиги, халқ осойишталиги ва мамлакат хавфсизлиги йўлида жон фидо қилган мард ва жасур ўғлонлар хотирасига таъзим бажо келтирдилар.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Бекобод туманида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини мустақамлаш, худуднинг ижтимоий-маънавий муҳитини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда келажак авлод учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

2

▼ Қишлоқ хўжалиги



ТОМЧИДА БАРАКА

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиб бориши ва сув ресурсларига бўлган босимнинг кучайиши натижасида сув танқислиги дунё миқёсида энг жиддий муаммолардан бири сифатида бўй кўрсатмоқда. Айниқса, сув ресурсларининг асосий қисми сарфланадиган қишлоқ хўжалиги соҳасида мазкур масала долзарб аҳамият касб этапти.

2


Вилоят bo'ylab

“Yilning eng yaxshi tarbiyachisi” ko'rik-tanlovining TOSHKENT viloyati bosqichi yakuniga yetdi. Uch kun davom etgan tanlovning test bosqichida yuqori natija qayd etgan tarbiyachilar, direktor o'rinbosarlari hamda tuman (shahar) maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlarining bosh metodistlari ishtirok etib, o'z bilim va tajribalarini sinovdan o'tkazishdi. Tadbir yakunida g'olib va sovrindorlarga diplom hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

CHIRCHIQ shahrida zamonaviy turarjoy majmuasining tantanali ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Marosim davomida mehmonlar loyiha hududi, zamonaviy arxitektura yechimlari, sifatli qurilish ishlari hamda aholiga yaratilgan qulay shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishdilar. Shahar markazidagi qad rostlagan yangi maskan qulaylik, xavfsizlik va zamonaviy dizayn talablari asosida barpo etilgan.

BO'STONLIQ tumanida Oila va xotin-qizlar bo'limi hamda “Ilm Nuri Markazi” hamkorligida xotin-qizlarning bandligini ta'minlash, ularning iqtisodiy faolligini oshirish maqsadida tadqiqot va ochiq muloqot tadbiri tashkil etildi. Tadbir davomida mutaxassislar tadbirkorlik faoliyatini boshlash, o'zini o'zi band qilish, kasb-hunar o'rganish, subsidiya va imtiyozli kreditlardan foydalanish imkoniyatlari haqida batafsil ma'lumot berishdi.

YANGIYO'L tumani hokimligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish bo'limi, tuman prokuraturasi hamda tuman IIB tashabbusi bilan “Vatan” va “Nihol” mahallalarida “Bo'sh ish o'rinlari mehnat yarmarkalari” tashkil etildi. Unda 30 dan ortiq yirik korxonalar va tashkilotlar ishtirok etib, fuqarolarga 930 ta ish o'rni taklif qilindi. 28 nafar fuqaroga ishga, 16 nafar fuqaroga esa kasb-hunarga o'qish uchun yo'llanmalar taqdim etildi.



3

“ОСМОН ҚИРОЛИ”:

ИНСОННИ ИНСОН ҚИЛАДИГАН ҚАДРИЯТЛАР ҲАҚИДАГИ ДАРС



4

Тошкент вилояти – Испания: АГРАР СОҲАДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Ташриф доирасида делегация Future Farms Solutions S.L. фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Компания юқори технологияли иссиқхона тизимлари, сунъий интеллект асосидаги агромониторинг ва рақамли агробошқарув ечимларини ишлаб чиқишга ихтисослашган.

Учрашувларда Тошкент вилоятида замонавий иссиқхона кластерларини ташкил этиш, “ақлли” яшил технологияларни жорий қилиш, иқлим назорати ва автоматлаштириш тизимларини кенгайтириш, сув тежовчи (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда аграр соҳани рақамлаштириш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, делегация сафар давомида Испаниянинг йирик уруғчилик марказлари фаолиятини ҳам ўрганди. Хусусан, Алмерия вилоятида жойлашган “Grupo Cristalplant S.L.” компаниясида бўлиб ўтган учрашувда уруғчилик ва кўчатчилик соҳасидаги замонавий тажрибалар билан танишилди.

Мақсуд корхона йилига 300 миллион донагача кўчат етиштириш қувватига эга бўлиб, замонавий лабораториялар, автоматлаштирилган парвариш тизимлари ва инновацион агротехнологиялар асосида иш олиб боради. 30 гектар ҳудудда жойлашган мазкур мажмуада юқори самарадор ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Музокаралар давомида Тошкент вилоятида замонавий кўчатчилик марказларини ташкил этиш, юқори ҳосилдор навларни жорий қилиш ва инновацион агротехнологиялар бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бу эса келгусида экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни мус-

тақамлашга хизмат қилиши кайд этилди.

Делегация, шунингдек, “Nature Choise SL” компаниясида ҳам бўлиб, маҳсулотларни саралаш, қадоқлаш ва Европа бозорларига етказиб бериш жараёнлари билан танишди.

Шунингдек, Испания сафари доирасида сув ресурсларини бошқариш ва оқовона сувларни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи “Water Challenge” компанияси билан ҳам музокаралар ўтказилди. 2020 йилда ташкил этилган мазкур компания сувни қайта тиклаш, ифлосланган сувларни тозалаш ва чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш бўйича Европадаги инновацион тузилмалардан бири сифатида танилган.

Учрашув давомида Тошкент вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноат оқова сувларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигида коллектор-дренаж

сувларини тозалаш ва қайта фойдаланиш каби муҳим йўналишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, Чорвоқ ва Бўстонлик каби туристик ҳудудларда экологик хавфсиз “ақлли” сув тозалаш иншоотларини қуриш бўйича фикр алмашилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, бундай инновацион ҳамкорликлар нафақат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, балки “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий этиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти делегациясининг Испания Қироллигига амалий сафари давом этмоқда. Ташриф доирасида яна қатор нуфузли компаниялардан бири сифатида танилган.

Учрашув давомида Тошкент вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноат оқова сувларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигида коллектор-дренаж

технологияси жорий этилган ерлар учун эса ҳар гектарига 8-12 миллион сўм миқдорда субсидиялар ажратилмоқда. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида suvcredit.uz платформаси орқали 5 йил муддатта кредитлар тақдим этилмоқда. Ушбу кредитлар 2

технологияси жорий этилган ерлар учун эса ҳар гектарига 8-12 миллион сўм миқдорда субсидиялар ажратилмоқда. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида suvcredit.uz платформаси орқали 5 йил муддатта кредитлар тақдим этилмоқда. Ушбу кредитлар 2

технологияси жорий этилган ерлар учун эса ҳар гектарига 8-12 миллион сўм миқдорда субсидиялар ажратилмоқда. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида suvcredit.uz платформаси орқали 5 йил муддатта кредитлар тақдим этилмоқда. Ушбу кредитлар 2

технологияси жорий этилган ерлар учун эса ҳар гектарига 8-12 миллион сўм миқдорда субсидиялар ажратилмоқда. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида suvcredit.uz платформаси орқали 5 йил муддатта кредитлар тақдим этилмоқда. Ушбу кредитлар 2

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ЭЪТИБОР ВА НАТИЖА



Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Бу чора-тадбирлар болаларнинг мустақил ҳаётга тайёргарлигини кучайтириш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, вилоятда барпо этилаётган қатор ижтимоий объектлар – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси биноси, аёлларни реабилитация қилиш маркази ҳамда “Имкон” реабилитация марказида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишилди. Ушбу муассасалар фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар қамрови ва сифати сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.

Мулоқотлар чоғида Нурафшон шаҳрида кундузги парвариш, реабилитация ва эрта аралашув хизматларини жорий этиш масаласи ҳам кўтарилди. Бу ташаббус эҳтиёжман аҳоли қатламнинг ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Мутасаддилар Оҳангарон шаҳрининг “Адолат” маҳалласида истиқомат қилувчи I гуруҳ ногирони Умид Шералиев хонадониде ҳам бўлишди. Қайд этиш жоиз, ушбу фуқаро “Ижтимоий реестр”га киритилган бўлиб, “Уйда қараб туриш хизмати” орқали доимий парвариш билан таъминланган. Шу билан бирга, унинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уйда таъмирлаш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ишлари амалга оширилиб, хозирда энергия тежамкор иситиш ускуналарини ўрнатилиш ишлари давом этмоқда.

Ташриф давомида шаҳардаги “Мурувват” интернат уйи фаолияти ҳам ўрганилди. Бу ердаги шароитларни яхшилаш, реконструкция ишларини жаддалаштириш ва хизматлар сифатини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ томонидан Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида амалга оширилаётган реабилитация ишлари самарадорлиги тахлил қилинди.

Шу билан бирга М.Оллоёров ҳудуддаги 7-сонли мактаб-интернатда бўлиб, ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишга қаратилган тикувчилик лойиҳаси билан танишди. Ушбу ташаббус ёшларнинг меҳнатга тайёргарлигини ошириш, мустақил ҳаётга ишонч билан қадам қўйишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқунда ижтимоий ҳодимлар ва супервайзерлар иштирокида очик мулоқот ўтказилиб, тизим самарадорлигини ошириш, эҳтиёжман оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Фаол ҳодимлар агентлик томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Тадбир МАТОНАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК САБОҚЛАРИ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилояти филиалида “Хотира бор экан – миллат барҳаёт” шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотираси ёд этилди. Сўзга чиққанлар уруш йилларида халқимизнинг матонати, фронт ортидаги фидокорона меҳнат ҳамда бугунги тинч ҳаётнинг қадрига тўхталишди.

Шундан сўнг, Қуролли Кучлар фахрийлари билан мулоқот ташкил этилиб, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Тадбирнинг бадий қисмида талабалар томонидан шезърлар ўқилди, саҳна кўринишлари ҳамда ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар ижро этилди. Чиқишларда аждодлар жасорати, тинчликнинг бебаҳо неъмат экани ва юртга садоқат гоғларни тараннум этилди.

Шунингдек, университет ҳамда Ойбек номли маҳалла ҳамкорлигида “Ош чемпионати” ҳам ташкил этилди. Унда университет талабалари ва маҳалла ёшлари жамоаларга бўлиниб, ошпазлик маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳақамлар ҳайъати томонидан таомларнинг сифати, тайёрланиш жараёни ва жамоаларнинг ҳамжиҳатлиги баҳолаб борилди. Яқунда фаол иштирок этган жамоалар мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам сув ресурсларини бошқариш ва тежаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида 4,3 миллион гектар суғориладиган ер майдонларида сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилангани бу борадаги илоҳотларнинг тизимлигида долалат беради.

2019 йилдан бошлаб мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этишни фермер ва деҳқонларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйила бошланди. Жумладан, субсидиялар ажратилиши, имтиёзли кредитлар тақдим этилиши ва амалий қўмақлар кўрсатилиши натижасида бу технологияларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда томчилик, ёмғирлилик ва дискрет усулда суғориш каби замонавий технологиялар амалиётга кенг жорий этилаётгани сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли равишда оширмоқда.

Хусусан, Тошкент вилояти мисолида оладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда жами 20 минг 754 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Жумладан, 6 минг 89 минг гектарда томчилик суғориш, 3 минг 171 минг гектарда ёмғирлилик суғориш, 140 гектарда дискрет суғориш технологиялари қўлланилди. Шунингдек, 740 гектар майдонда эгилувчан қувурлардан фойдаланиш ва эгтарларга плёнка тўша ишлари амалга оширилди, 10 минг 146 гектар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ер майдонлари лазерли текислаш орқали тайёрланди.

Мазкур янги технологияларни ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида сув ресурслари 45-50 фоизгача тежамланди. Шу билан бирга, ёқилги-энергетика ресурслари ва минерал ўғитлар сарфи 25-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлиги 15-20 фоизга ошди. Бу кўр-



ТОМЧИДА БАРАКА

саткичлар фермер хўжалиқларининг иқтисодий самарадорлиги сезиларли даражада ортиб бораётганини кўрсатади.

– Ҳозирда давлатимиз томонидан сув тежовчи технологияларни жорий этган сув истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилган, – дейди “Чирчиқ-Оҳангарон” ирригация тизими ҳисоблаш бўлими суви тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича бош мутахассиси Нурсултон Минлиқулов. – Жумладан, Тошкент вилоятида томчилик суғориш технологияси жорий этилган пахта майдонлари учун ҳар гектарига 8-16 миллион сўм, ёмғирлилик суғориш

ийлик имтиёзли даврга эга бўлиб, йиллик фойз ставкаси 14 фоизни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш нафақат сув тақсирлиги муаммосини юмшатиш, балки қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишни таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий самарадорликни оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу йўналишдаги илоҳотларни изчил давом эттириш эса келажак авлодлар учун муҳим табиий ресурс – суви асраб қолишга хизмат қилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Даромад ва фаровонлик калити



Бугун маҳаллаларда кичик ер майдонидан катта даромад олиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва бандликни таъминлаш борасидаги илоҳотлар ўз самарасини беряпти.

Биргина, Ўрта Чирчиқ тумани мисолида айтадиган бўлсак, ҳудудда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйганлар сони сезиларли даражада ортди. Натижада аҳолининг иқтисодий яшаш тарзи ҳам бир неча баробарга яхшиланди.

Бандлик

кредит олиб, хонадонидеги 4 сотих ер майдониде яшил қовоқча (кабачки) етиштириш-

ни йўлга қўйди. Яхши парвариш, суғориш ва агротехник тадбирлар сабабли ҳосил мўл.

Хонадон эгаси кабачки экишни январь ойида бошлаган, ҳосил олиш март ойининг охиридан ҳозиргача давом этмоқда.

– Ҳамма ишда сабр керак, – дейди З. Рустамов. – Қишда экин экиш осон кечмайди. Лекин

меҳнат қилсанг, натижаси бўлади. Ҳозир ҳар куни ҳосил оляпмиз. Даромади ҳам салмоқли.

Зоҳиджон ака қарийб 10 йилдан буён тадбиркорлик билан шугулланади, анча тажриба тўплаган. Айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйгани иш самарадорлигини янада оширган.

Хонадонда етиштирилаётган маҳсулотлар асосан маҳаллий бозорларга, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига ҳам етказиб берилмоқда.

Яна бир фуқаро Ботир Нишоннов ҳам тадбиркорлик ортидан мўмай даромад

топаяпти. У 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, хориждан 11 бош юқори зотли Ангус ва Голландия бўқаларини келтириб, парваришмоқда. Ҳар бир жонивор учун алоҳида шароит яратилган бўлиб, ишлар аниқ режа асосида ташкил этилган. Натижада қисқа вақтда чорванинг ўртача вазни 800 килограммдан ошган, айримлари эса 1 тоннадан зиёд тош босмоқда.

– Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, билим ва кўникамага таянади, – дейди Ботир Нишоннов. – Чорвачиликда ҳар бир жониворга алоҳида эътибор керак. Озиқланти-

риш, парвариш ва назоратни бир зум ҳам сусайтириб бўлмайди. Чорва моллари бошида касаллик сабаб анча қийналди. Лекин, барчасини секин-аста енгил, бу соҳада тажриба тўпладик. Бугун ишларимизни йўлга қўйиб, юқори даромад кўряпмиз. Келгусида иш фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Тадбиркорнинг фаолияти фақат чорвачилик билан чекланиб қолмаган. У ауқичон орқали 60 сотих ер майдонини сотиб олиб, бу ерда тарвуз, қовун ва ҳандалак каби полиз экинларини етишти-



моқда. Маҳсулотлар асосан маҳаллий бозорларга етказиб берилаяпти.

Эътиборлиси, хонадон аъзоларининг ҳар бири мазкур жараёнда фаол иштирок этади. Бу эса нафақат иш самарадорлигини оширяпти, балки оилавий ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамляпти.

Бугунги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, берилган имкониятлардан оқилона фой-

даланиш орқали қисқа вақт ичида самарали ва даромадли хўжаликни шакллантириш мумкин. Бунинг учун эса, энг аввало, интилиш, меҳнат ва сабр-қаноат талаб этилади. “Арчан” маҳалласи тадбиркорлари фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Муаллиф олган суратлар

... 1966 йилнинг апрелида Тошкент шахрида юз берган zilzila oqibatlarini bartaraf etish ishlari tеварагида жуда кўп воқеа-ходисалар бўлиб ўтган. Баъзи нопок кимсалар юрт бошига тушган ўша қаро кунлардан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилар эдилар. Табиийки, шундай воқеалар хусусида "Тошкент ҳақиқати" газетасига ҳам сигналлар келиб турарди. Масала чуқур ўрганилгач, танқидий чиқишлар қилинар эди. Ўша кунлари газетада чоп этилган "Бир балоси бўлмаса..." сарлавҳали фельетонда ҳам нафс балосига дучор бўлганлар эл олдида шарманда қилинади. Бу фельетон муаллифи тахририятнинг энг жасоратли қаламкашларидан бири Абдумалик Иброҳимов эди.

Дадил ва бир сўзли ижодкор Абдумалик Иброҳимов ҳақиқат йўлида ҳеч кимни аямас эди. Газетхонлар унинг "Вас-вас", "Сирли халта", "Пуф деса, дув тўқилади" каби кўплаб фельетонларини алоҳида бир ҳаяжон билан ўқишган...

Мақоламизни бундан ярим аср илгари тахририятимизда ишлаган ижодкорлар ҳақидаги хотиралар билан бошлаганимиз бежиз эмас. Чунки суҳбатдошимиз – устозимиз Абдумалик Иброҳимовнинг қизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, таниқли театр ва кино актрисаси Дилором КАРИМОВА.

– Дилором опа, юқорида айтилганидек, икки йилдан сўнг таваллудининг 100 йиллиги нишонланадиган "Тошкент ҳақиқати" сиз учун бегона эмас. Чунки падари бузрукворингиз Абдумалик Иброҳимов бундан олти йил аввал отахон нашримизнинг энг довурак қаламкашларидан бири бўлган эди...

– Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтган ҳафтада юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида турли тадбирлар бўлиб ўтди. Хонадонларимиз файзи бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари, хусусан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган боларимиз йўқланди. Шу эл, шу юртини деб курашган мард ўғлонларимизнинг номлари ёдга олинди. Ана шундай жасур инсонлар қаторида падари бузрукворим – 1962-1975 йилларда "Тошкент ҳақиқати" газетасида ишлаган ўткир қалам соҳиби, кўркмас фельетончи Абдумалик Иброҳимовнинг ҳам номи борлиги мен учун фахридир.

У пайтлари ажойиб инсон Аҳмаджон Исмоилов муҳаррирлик қилган "Тошкент ҳақиқати" газетаси тахририятида шижоатли журналистлар йирилганди. Отам қанчадан-қанча туртилиш ва сурлишлардан сўнг ушбу даргоҳда ўз жойи, ўз ўрни, ўз муҳитини топгандек бўлди. У ўзи каби виждонли, касбига содиқ инсонлар даврасида ишлаб, кўп йиллардан буён сарфланмай ётган фидокорлик қувватини, ниҳоят, намояна эта бошлади. "Инсон қадри шуми?", "Безоридан эл бериз", "Масжиддаги хангома", "Принцип иши", "Йулақдаги муҳаббат", "Комедантнинг туши", "Оқ сочли ошиқ-маъшуклар" каби долзарб мавзулардаги кўплаб фельетонлари матбуотда катта воқеа бўлиб, жамиятда рўй бераётган номаъқулчиликларни фож этишда хизмат қилди. Лекин ёзганлари кўпинча отамнинг бошига битган бало бўларди...

Бир куни кечқурун икки нафар барзанги киши шаҳардаги катта ресторан директори номидан совға-саломлар билан

Ота ҳақида МУНГЛИ КҲҲҲҲҲ



кириб келди. Адамлар билан нималарнидир сирли гаплашишди-да, кейин қоғозга ўралган нарса узатишди. Адам уни аста олдилар-да, биз ўтирган хонага кирдилар.

– Қизим, нима қиламиз, шу пулни оламизми? – дедилар менга қараб. – Қара, уй-жойларимизни таъмирлаб олиш учун етиб ортаркан...

– Йўқ, ада, олманг! – дедим дарҳол. – Бизнинг бунақа пулга муҳтож жойимиз йўқ-ку! Ҳамма нарсамиз етарли...

Отам ҳалол яшашни болаликдан юрагимизга синдириб юборган эдилар. Жавобимни эшитиб, назаримда адамнинг чехралари порлаб кетгандек бўлди...

Гоҳо ўйлаб қоламан: ўша воқеаларни ҳозир айрим ёшларга айтсанг, мийғида кулиб қўйиши табиий. Аммо бу бор гап: ўша пайтларда отам каби ҳалол, виждонли, ўз касбига содиқ ва оқибатли инсонлар кўп бўлган. Шу боис биз фарзандлар отамиз билан доимо фахрланиб келганимиз.

Отам укамни ҳам жуда бир бошқача меҳр билан яхши кўрганлар. Укам шундай бир романтик бола эдики, қўлидан келмайдиган иш йўқ эди: расм чизарди, саз чаларди. Уйда эса отам билан бирга гоҳ шахмат, гоҳ футбол ўйнашарди... Отам қизларга ҳам ана шундай меҳрибон бўлганлар. Шунинг учун уларни йўқотиш биз учун жуда оғир бўлган.

Отам вафот этганларида биз ҳали ёш эдик. Мен отамнинг вафотида қадар фалакни бераҳм эмас, адолатли деб билардим. Яхшиликка яхшилик қайтади, муҳаббатга муҳаббат жавоб бўлади, ҳақиқатнинг эса, албатта, қўли бандан келади деб ишонардим. Ҳаётимда бу ишончимга кўп дарз кетди, лекин бу биринчиси ва дахшатлиси эди. Чархи фалак отамни айна навқирон ёшимда бу дунёдан зўрлик билан тортиқлаб олиб кетди. Ваҳоланки, у бу дунёга жуда керак эди. Отам жуда қадрлаган ва севган ҳаёт унга кўп адолатсизликлар, хўрликлар кўрсатган бўлса-да, у ҳеч қачон ҳаётдан юз ўгирмади. Ҳатто касалхона тўшагидан ётган

чоғида ҳам ўзига кўнглини ёрган бечоралар ташвишини енгиллашти йўллари йўлаб ётди. Яхшилик деб номланувчи гоҳ унга қанчалик бевафолик қилмасин, барчибир, яхшиликка хизмат қиларди. Ахир, эзгуликка эзгулик билан жавоб қайтиши керак эди-ку! Нега унда отамнинг қисмати шу қадар аянчли бўлди? Ҳақиқат дегани қайда қолди?! Ёш идроким фалакнинг бу қарори билан сира чиқиша олмас, бу мен учун фалакнинг отамга кўрсатаётган яна бир адолатсизлиги эди. Ўлимга маҳкум отамнинг бошида турганча тақдирнинг безайриган шум юзига шапалоқ тортгим, кучим борича дўппослаб алам-

дан чиққим келарди. Шу ниятда кўзларимга хира тортиб қолган осмонга қараб олт ичдим: "Мен отам ҳақида албатта одамларга айтиб беришим керак. Мен отамнинг яхши-ёмон кунларига, чекига тушган хўрлик, надомат, азобларига гувоҳман! Ҳа, мен гувоҳман! Ва мен ўз билганларим ҳақида оламга жар соламан. Отамни таҳқирлаган муҳит, уни хўрлаган, ўлимни истаган мунофиқ кишилар ҳақида айтиб, унинг ўчини оламан". Мен бу қасамни оғриқдан чойшаб четини гижимлаб олган отамнинг озгин кўпларини силаб туриб, ҳали нархоз таъсиридан батамом қутулмаган, лекин бошига туша-

СУҲБАТДОШИМИЗ ҲАҚИДА:

У 1948 йилда туғилган. Унинг ота-ониси томонидан барча қариндошлари тошкентлик бўлган. Отаси Абдумалик Ибраҳимов журналист, педагог ва ҳуқуқшунос бўлиб, унинг ҳаётида энг муҳим инсон ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида отаси фронтга ихтиёрий кетмоқчи бўлади, аммо унга брон берилиб, шаҳарда қолдирилиди. У заводда ишлаб, дарс ҳам беради.

Отаси Муаззам опа шифокор бўлиб, уруш йилларида Тошкент госпиталида ишлаган. Айна шу ерда муҳожирликда бўлган Анна Ахматова яраланган аскарларга шеърлар ўқиб берган.

Оилада беш қиз ва бир ўғил бўлишган. Мактабда Дилором аъло баҳоларга ўқиган. 9-синфга ўтган, математика мактабига қабул қилинади. Олимпиадаларда фаол қатнашади. Шу пайтларда у астроном бўлишни орзу қилган, чунки коинот, юлдузлар ва галактикаларга қизиқиши кучли эди.

Аммо мактабдаги драма тўғраги унинг тақдирини ўзгартирди. Ота-ониси театрга қизиққан инсонлар бўлгани учун Дилором ҳам театр муҳитига шунгб кетди. У спектакллари тик туриб томоша қилса-да, саҳнага бўлган муҳаббат қалбида чуқур илдиз отди.

Унинг биринчи устози Аҳмад Юнусов. У Дилоромнинг овози ва истеъдодини юқори баҳолаган. У иштирок этган спектакллар телевидениеда намойиш этилар, катта қизиқиш уйғотарди. Аммо Дилором мақтовни ёқтирмаслигини тан олади.

Қизиқ жиҳати шундаки, устози уни театр институтига киришига қарши бўлган. Отаси ҳам аввал бунга рози бўлмаган. Аммо телевизион спектаклдан кейин унинг истеъдоди тан олинди, отаси розилик берган.

Дилором Каримова аввал театрда, кейинчалик телевидениеда режиссёр сифатида фаолият юритди. Унинг муаллифлигида "Остонаси тиллодан", "Олтин бешик", "Икки дарё оралиғида" каби кўрсатувлар яратилди.

Шунингдек, у сценарийлар ёзишга ҳам қўл урди ва "Кўеши ботмайдиган юрт", "Севгим менинг, оҳим менинг" каби фильмларда бош ролларни ижро этди. Унинг "Пўртана" ("Цунами") номли китоби отаси хотирасига бағишланган бўлиб, ҳаёт, тақдир ва инсон қалби ҳақида чуқур мулоҳазаларни ўзида муржабсанган.

Дилором Каримова табиятан адолатпарвар, меҳрибон инсон. У болалар йиғисига тоқат қилолмайди, зўравонлиқни ёқтирмайди, инсон қадрини улуглайди.

Бизнинг суҳбат



жақ фожианинг муқаррарлигини еттинчи томири билан сезиб, шипга қадалиб қолган сўнлик кўзларига қараб туриб ҳаёлимдан кечирган эдим. Бу онт менга чидаш оғир дақиқаларда таскин бўлди, йўқотиш уммонига чўкиб кетмаслигим учун эшак бўлди.

Отам фожиаси бутун бир давр, аср фожиаси эди. Ўтган юз йиллик бошида кўтарилган тўфон, пўртана миллионлаб тақдирларни остин-устун қилиб юборган ва шу миллионларнинг бири менинг отам эди. Жуда кенг маконни ўз домига тортган бу кўюн, бу пўртана отам туғилмасидан аввалроқ унинг пешонасига қора тамғасини босиб улгурган эди...

– Дилором опа, болалигингизда астроном бўлишни орзу қилгансиз. Театр санъатиغا кириб келишингизга нималар сабаб бўлган?

– Ҳа, бир вақтлар коинот сирлари мени жуда қизиқтирарди. Аммо мактабдаги драма тўғраги тақдиримни ўзгартирди. Илк бор саҳнага чиққанимда, қалбимда қандайдир илиқлик пайдо бўлди. Шу пайт тушундим: инсон фақат осмонни эмас, инсон қалбини ҳам ўрганиши керак экан. Театр ана шу йўлни очиб берди.

– Устозларингиздан эшитган "Санъатни сев, аммо ўзингни эмас" деган ўғит ижодингизда қандай ўрин тутди?

– Бу гап мен учун ҳаётини қандай айланган. Агар актёр ўзини кўрсатишни ўйласа, у образни йўқотади. Мен ҳар доим образни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қилганман. Санъатта садоқат билан ёндашмасангиз, у сизни қабул қилмайди.

– Театрдан телевидениега ўтишингиз осон кечмаган бўлса керак...

– Албатта, осон бўлмаган. Саҳна – бу жонли нафас, жонли муносабат. Лекин ҳаётда шундай бурилишлар бўладики, инсон уларни қабул қилишга мажбур. Мен телевидениега ўтиб, бошқа бир ижодий дунёга кирдим. Бу қарор менга янги имкониятлар берди, аммо саҳнани соғиниш туйғуси ҳеч қачон йўқолмади.

«Илҳақ» – бу шунчаки фильм эмас...

Баъзан экран ортидаги сукут, айтилмаган сўзлар, кўзда қотиб қолган ёшлар мингта гапдан ҳам кучли таъсир қилади. «Илҳақ» ана шундай асарлардан бири. Уни томоша қилар экансиз, воқеаларни кўрмайсиз, уларни юрагингиздан ўтказасиз.

Она... Бу сўзнинг ўзида қанча меҳр, қанча сабр, қанча фидойилик мужжасам. Фильмдаги она эса бу тушунчани янада чуқурроқ англайди. У фарзандларини урушга кузатар экан, юзида сабр, қалбида чексиз дард, ҳар бир қадимида эса умид билан яшайди. Ҳатто "қора хатлар" келганида ҳам, барча умидлар сўнгандек туюлганда ҳам.

Энг оғири – қутиш. Эшикка қараб қутиш. Қадам товушини эшитиб, "балки у қайтандир..." деб юракнинг жўш уриши. Бу қутиш – умрга тенг. Фильмдаги ҳар бир саҳна бизга бир ҳақиқатни эслатади: уруш фақат майдонда эмас, у инсон қалбида ҳам кечади. Ва энг оғир жанг – бу сабр билан яшашдир.

«Илҳақ» – бу она дарди, йўқотиш изтироби ва сўнмас умид ҳақидаги қисса. Бу фильмини кўриб, сиз нафақат ўтмишни ҳис қиласиз, балки бугунги тинч кунларимизнинг қадрини янада тереан англайсиз.

Баъзи фильмлар томоша қилинади... Баъзилари эса юракда қолади. «Илҳақ» ана шундай фильм.

– Бу фильмдаги ролингиз томошабинларни ларзага солди. Бу образга тайёргарлик қандай кечди?

– Бу роль мен учун оддий роль эмас эди. Бу – юрак орқали ўтган дард. Мен сценарийни ўқиганимдаёқ кўзларимга ёш келган. Она образини ҳис қилиш учун кўп ўйладим, кўп ўтмишни эсладим. Бу фақат бир аёл эмас, бу минглаб оналар тақдир.

– Фильмдаги она образи орқали уруш йилларидаги фожиаси очиб берилган. Бу ерда Галаба кунининг маъноси қандай акс этган деб ўйлайсиз?

– 9 май бу шунчаки байрам эмас. Бу – хотира, бу – дард, бу – сабоқ, "Илҳақ" ана шу хотирани жонлантиради. Биз галабани нишонлаймиз, лекин у галаба қанча кўз ёши, қанча умид ва қанча йўқотишлар эвазига келганини унутмаслигимиз керак. Фильмдаги она – ана шу қурбонликларнинг тирик рамзи.

– "Қора хат" саҳналари жуда таъсирли чиққан...

– Бу саҳналарни ўйнаш жуда оғир бўлди. Чунки буни ижро қилиш эмас, ҳис қилиш керак. Битта "қора хат" – бир она юраги синган лаҳза. Мен шу оғриқни ўзимдан ўтказишга ҳаракат қилдим.

Барчамиз тинчлик қадрини билишни ўрганаемиз. Ота-боболаримизнинг хотирасига муносиб бўлайлик. Она юрагидаги дардини унутмайлик. Чунки хотира бор жойда – қадр бор. Қадр бор жойда эса инсоният бор.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ суҳбатлашди

▼ Тақдимотдан сўнг...

“Осмони фалакларда” асарини ўқиб, кейин унинг киноталқинини кўргач, яна бир ҳақиқатга ишондим: ҳақиқий санъат инсонни ўтмиш билан боғлайди, унинг руҳини поклайди. Фильмдаги қаҳрамонлар, айниқса, Шамшетов образи орқали, ана шу руҳ, садоқат, мардлик, ор-номус яна бир бор намоён бўлади.

Кино санъати бугун янги босқичга қадам қўймоқда. Соҳа узоқ муддат муҳлису мутахассислар танқидига учраб юрди. Наҳотки, бутун бошли тизим лоқал битта кўришга арзирли кино ишломася? Йўқ, бугун бу гаплар эскиряпти. Киночилар эплашяпти. Ўз муҳрига эга таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг “Осмони фалакларда” китобини фильм қилаётгани дарагини эшитган эдик. Яхши китоб тезда муҳлисларнинг қалбидан жой олади. Китобдаги ҳикоялар бетақдор. Яқиндагина премьераси бўлган “Авиопарвознинг ягона қурбони” фильми томошабинларда илиқ таассурот қолдирганди. Кунин кеча эса Ренессанс киносаройида “Осмон қироли” фильмининг ёпиқ премьераси бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари ва жамоатчилик фаоллари қатнашди.

Хайриддин Султоннинг асарлари жозибали. Тили соф, зариф. Қаҳрамонлари ўзбекча уйлайди, халқона гапирди. Агар дунёга ўзбекнинг ички олами, ўй-фикрларини, характерини бор буй-баста билан кўрсатиш керак бўлса, адабнинг асарлари тайёр харита.

“Осмони фалакларда” китоби чиққанда бир неча такор ўқигандим. Яхши асарини қайта-қайта ўқилади. Китобхон беихтиёр осмон фарзандлари ҳаётига тушиб қолгандек бўлади. Ана шу гўзал асарни бетақдор фильмга айлантирган Жаҳонгир Қосимов ва жамоасига аллоҳида раҳмат айтишимиз керак. Ўзбек киносиди ўз ўрнига эга режиссёр ва бетақдор ёзувчи тандемидан ҳам кино даражасини билса бўлади.

Жаҳонгир Қосимов ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда ҳар бир детални жонлантирган. Бош роль ижроичиси Карим Мирҳодиев. Шогирд йигит Бадалов ролини умидли актёр Аббос Иброҳимов ўйнаган. Иккала актёр ҳам фильм ичиди “яшаган”.

Бу фильм шунчаки учувчилар ҳақида эмас. Осмон сарлоқларининг ҳаёти, ўй-фикрлари ҳақида. Фильм бош қаҳрамони Шамшетов образида мардона инсон қиёфаси гавдаланади. Бугун шундай полвон характерли образлар керак эди бизга. Ҳимматли адабиётимиз шундай қиёфа билан бойитган бўлса, режиссёр буни сайқаллаб, шундай экранлаштирганки, беихтиёр одамнинг юрагиди жўмард туйғулар жилполана бошлайди.

Аслида Граф лақабли Шамшетов кабилар билан дунё дунёдир. Ровий Бобомуҳаммад Раҳимов (актёр Аббос Иброҳимов) ҳақиқий шогирдларга хос, устозини зўр меҳр билан гавдалантиради. Чин одамгина ўзидан издош қолдиради, бу ҳам неъмат.

Асардаги мана бу детални фильмда жонланганини тасаввур қилаверайлик: “— Наҳотки авиацияга пора бериб ишга кирса?”

Бу саволни у ичиди, ўзига ўзи бермоқчи эди, аммо не кулоқ билан эшитсинки, дилидаги лоп этиб тилига чиқиб турибди-да!
— Ҳа, ашула айтиб кирадимиз бўлмася? — деди Шамшетов шаниллаб. — Нима, бу ер сенга консерваториями?
Бадалов азбаройи алам қилганидан:
— Сиз ҳам пора бериб кирганимиз? — деб чийиллади.
— Менми? Мен нега пора берар эканман? — Шамшетов такаббуруна илжайди. — Керак бўлса, булар пора бериб мени ишга олган, билдингми, ёш кадр!
— Қойилман. Бўпти, мен кетдим бўлмася, — деб Бадалов ўрнидан турди. — Сизга катта раҳмат ростини айтганингиз учун.

— Йўл бўлсин?
— Автостанцияга. Булунгурга охириги автобус кечкурун беида жўнайдди.
— Тўхта, шошма, эй жинни! Сени синашга айтган эдим. Лекин шилтинг-пилтинг қилганинда, нақд бетинга тулардим. Емон болага ўхшамайсан. Билиб қўй, бунақанги қинғир ишларини ер кўтарса кўтарар, аммо осмон кўтармайди. Осмон ҳаромни ҳам, ҳаромини ҳам қабул қилмайди, уқдингми?”
Фильмдаги ана шундай драматик сахналар ўқувчини ўйга толдириб, тафаккурга чорлайди. Шамшетов учун дунёда икки хил



“Осмонни кўрмай қолди шўрлик” — даҳшатли жумла. Ҳою ҳавас, ўткинчи нарсаларга эргашиб, инсон берилган истеъдодни елга алмашса, қандай фожиа! Ҳаётда осмонни кўрмай қолганлар қанча? Бу кўҳна очунда адашишга гирифтор одамизод тиричилиги, ҳаёт деб не кўйларга тушмайди дейсиз? Лекин ҳаёт ана шундай талатўп дунёда ўз-лигини сақлаб яшаётган Шамшетовларнинг борлиги билан гўзал аслида!
Шамшетов умумбашарий қиёфа. Ана шундай ноёб образни ўзбек учувчиси тими-солида тасвирлагани учун муаллифларга

дан кейин галва бошланиб, ишдан олиниб, сўроқ қилина бошлайди. Кейин собиқ Совет даврида махфий операцияда қатнашгани учун қамалмай қолади. Лекин ҳамкасб шаъни учун обрў-рутбасидан воз кечади у!
Шу воқеадан сўнг уни тополмай қолишди. На аэропортта, на шахарда. Кимдир уни Африкадаги исёнчи гуруҳларга контрабанда ташиб юрганини айтса, яна биров Янги Зеландия авиакомпаниясида ишлаётгани, Мельбурнга учиб кетаётганида ҳалокатга учраб, вафот этибди деб миш-миш тарқатади.
Аммо Бадалов бу гапларнинг биронта-

“ОСМОН ҚИРОЛИ”: ИНСОННИ ИНСОН ҚИЛАДИГАН ҚАДРИЯТЛАР ҲАҚИДАГИ ДАРС



ҳар қанча раҳмат айтсак оз!
...Самолёт Тошкентга учишига бир неча дақиқа бор. Махфий хабар олишди: бортада экстрадиция қилинган бир шахс конвойи ҳамроҳлигида учиши керак. Экипаж учишга шай. Фақат кутилаётган кишилар келишса бас. Граф не кўз билан кўрсинки, маҳбус собиқ раҳбари Эшбеков экан. Гуруҳ раҳбари подполковник учамизми дея сўрайди. Граф кишани ечишни талаб қилади. Гуруҳ раҳбари унга хайрон тикилади.
“— Ечмасангиз — мен учмайман. Тушундингизми, уч-май-ман!
— Нима?! — Аҳмедовнинг кўзла-

сига ишонмайди. Шамшетовдек одамнинг жиноятга қўл уриши ҳам, ҳалокатга учраши ҳам мутлақо мумкин эмаслиги, қадрдон командири қаердадир осмони фалакларни тўндириб, мағрур парвоз қилиб юрганга унинг имони комил эди.
Биз — муҳлислар ҳам ишонмадик. Граф ҳалиям осмони фалакларда кутбларни кезиб юрибди. Чунки шу учун туғилган. Қисмати — парвоз!
Граф — учувчилик орқали бутун инсониятга яхшилик қилаётган, бахт улашаётган инсоннинг образи, қиёфаси. Адиб буни моҳирлик билан тасвирлайди. Ахир одам ўз ишини сидқидил бажараётган бўлса, шу бутун заминга хизмат-да! Хайриддин Султон ҳам қўлидаги қалам билан шу ишни ҳадди



“...Билиб қўй, бунақанги қинғир ишларни ер кўтарса кўтарар, аммо осмон кўтармайди. Осмон ҳаромни ҳам, ҳаромини ҳам қабул қилмайди, уқдингми?”

тоифа одам бор: учувчилар ва бошқалар! Ўзи ҳам касбида собит, хиёнатни кечирмайди.
Граф мажлисларда ҳақиқат талашди. Авиакомпания раҳбари бўлиб кетган қуролдоши Эшбековни кези келганда аямайди. Бадалов унга нега раҳбар билан келишмаслиги ҳақида савол беради. Эшбеков энг зўр учувчилигини, бери сафар шассиси очилмай қолган самолётни бешиккаст қўндирганини айтади:
“Афсус, кейин мансабга, соққага берилиб кетди бечора, тушуняпсанми? Ошнаси — амалдору бойлар, кўча, қаёқдаги қасанғилар. Фақат шулар билан ачомлашиб-ўпишиб кўришди.
— Ҳа энди, вазир бўлганидан кейин... мажбур-да.
Шамшетов унга ўқрайиб тикилди.
— Вазирми шу? Авиакомпания билан бир тийинлик иши йўқ, фақат иккита каттаконнинг кўнглини олса, бас. Ачинаман, раҳим келади — осмонни кўрмай қолди шўрлик.”
Асардаги бу воқеа ҳам экранга кўчган.

ри опа-кула бўлиб кетди. — Ақлдан озганмисиз? Сиз кимсиз ўзи менга талаб қўядиган? Қани, марш жойингизга, ҳайданг самолётни!
— Қўлингиздан келса, марҳамат, ўзингиз ҳайданг! — деди Шамшетов без бўлиб.
— Командир, хушингни йиғ! — деб пишқирди Аҳмедов. — Ўт билан ўйнашма! Трибуналга кетасан, билдингми?!
— Майли, — деди Шамшетов, — лекин менинг самолётимда учувчининг қўлига кишан солишга йўл қўймайман!”
Мана шу жойини китобда ўқиймизми, кинода кўраимизми одамнинг эти жимирлаб кетади. Граф қайсарлик қилавергач, Эшбековнинг қўли ечилади. Шу жойда яна галати ҳолат бўлади. Хурсанд Шамшетов учини ҳақида рухсат беришни сўраб собиқ вазирга ҳаёт бериб мурожаат қилади. Ҳамма саросимада.
Тасвирни қаранг, касбга, ҳамкасбга ҳурматни қаранг. Одам ўз эътиқодига бунча собит бўлмася! Ўз бортида учувчини хор қилишларига йўл қўймайди. Учиб келишгач ҳам Эшбековга рапорт беради ва шогирди Бадаловга ҳаммаси тугаганини айтади. Шун-

аълосида бажараётганига гувоҳимиз. Режиссёр Жаҳонгир Қосимов эса нафақат яхши кино ишляпти, балки ўзбек режиссураси буй-бастини жаҳонга намойиш қилапти.
Сўзга чиққанлар сценарий муаллифи ва режиссёрнинг маҳорати бирлашиб, ўзбек киноси хазинасига муносиб ҳисса қўшилганини таъкидлашди. Фильм яқин кунларда катта экранларга чиқади. Муҳлислар учун бу ажойиб тўхфа.
Афсуски, бугунги кунда телевидениеда намойиш этилаётган айрим сериаллар ёшлар қалбига мутлақо бошқача “қадрият”ларни синдиримоқда. Шарм-ҳаёсизлик, енгил-елпи муносабатлар, сунъий “қаҳрамонлик”лар — буларнинг барчаси ёшлар тафаккурини захарлаётганини тан олмаслик мумкин эмас.
Шундай пайтда мана шундай маъноли, ҳаётий, тарбиявий аҳамиятга эга фильмларнинг яратилиши — бу нафақат кино соҳасидаги ютуқ, балки миллат маънавиятини сақлаб қолиш йўлидаги катта ғалабадир.
Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA



- Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI
- “Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay'ati:
- Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sayora FAYZIYEVA
- Abduvosit ABDURAZZOQOV
- Mahmud TOIR
- Azamat MIRZAYEV
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Otabek SULTONBEKOV
- G'ayrat SHERALIYEV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To'xtamurod HASANBOYEV

Mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi:
Nozima RASULOVA

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulkona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti - 20.00.
Bosishga topshirildi - 19.45.
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-535.
8 087 nusxada chop etildi.
Hajmi - 3 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.